

“ТАСДИКЛАЙМАН”

Поп туман тиббиёт бирлашмаси,

Танлов комиссияси раиси

З.Мирзаниёзова

октябрь 2022 йил

Поп туман тиббиёт бирлашмасига қарашли 21-сонли кишлоқ оила  
поликлиникасини жорий таъмирлаш (2-босқич) ишларини бажариш  
учун ташкилотни танлаш бўйича

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

№	Асосий талаблар (оснований требования)	Асосий маълумот ва талаблар (основная информация и требования)
1.	Буюртмачи (заказчик)	Поп туман тиббиёт бирлашмаси
2.	Буюртмачи манзили	Поп тумани Поп шаҳари Пахтакор кучаси 3-уй
3.	Тўлов шартлари (условия оплаты)	30% олдиндан тулов томонлар томонида шартнома имзоланган ва шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газачилигида руйхатга олингандан кейин 10 банк кунда амалга оширилади (30% предоплата производится в течении 10 дней после подписания договора сторонами и регистрации договора в Казначействе МФ РУз) Қолган 70% тулов бажарилган ишлар далолатномаси хамда сўғ фактурага асосан утказиб берилди
4.	Тўлов валютаси (валюта платежа)	Миллий валюта – сўм (сум)
5.	Хизмат кўрсатиш шартлари (условия оказания услуг)	Техник топшириқлар миқдорнинг манзилида амалга оширилиш лозим. (согласно техническому заданию, по адресу Заказчика)
6.	Ўтказиб бериш вақти (срок поставки)	2022 йил октябрь ойи учун
7.	Молиялаштириш манбаи (источник финансирования)	Бюджет
8.	Танлов шартлари (условия выбора)	Иловада кўрсатилган барча шартларнинг бажарилиши.
9.	Богланиш учун алоқалар	З.Мирзаниёзова тел.+998 69 433 14 03

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**



**Поп туман тиббиёт бирлашмаси,**

**Танлов комиссияси раиси**

**З.Мирзаниёзова**

**октябрь 2022 йил**

**Поп туман тиббиёт бирлашмасига карашли 21-сонли  
кишлоқ оила поликлиникасини жорий таъмирлаш (2-  
боскич) ишларини бажариш учун ташкилотни танлаш  
бўйича**

# **ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

**БУЮРТМАЧИ: Поп тумани тиббиёт бирлашмаси**

**Поп-2022**



## 1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАҲЛИЛИЙ ҚИЙМАТИ

### 1.1. Товар ва хизматларнинг характеристикаси

№	Хизмат номи	Микдори
1	Поп туман тиббиёт бирлашмасига қаршли 21-сонли кичик оила поликлиникасини жорий таъмирлаш (2-босқич) ишларини бажариш.	1

1.2. Танлов қиймати **375 940 998** (*Уч юз етмиш беш миллион тўққиз юз қирқ миң тўққиз юз тўқсон саккиз*) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Махсулот етказиб бериш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 60 календар кун.

1.5. Махсулот етказиб бериш муддати-аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

### 2.ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Поп туман тиббиёт бирлашмаси (бундан кейин –«Буюртмачи» деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

«Буюртмачи» манзили: Поп тумани Поп шаҳари Пахтакор кучаси 3-уй

2.2. Танлов «Буюртмачи» томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов Поп туман тиббиёт бирлашмаси - «Буюртмачи» томонидан тузилган харид комиссияси томонидан қонунда тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### 3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 1 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

танлов предмети қийматининг камида 3 фоизи миқдоридаги заволат маблағларининг, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахасисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқоролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва заволатлар; ўз кучлари билан илгари етказиб берган махсулотлари тўғрисидаги маълумотлар; Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (*хизматлар*)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок



этин учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабдорларга рухсат этилади.

#### **4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда ([etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz)) порталга электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар «БҲҮОРТМАЧИ» ва «Иштирокчи» ихтиёрига кўра ўзбек тили ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. Танлов хужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, «БҲҮОРТМАЧИ» томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак.
- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар таркиби ва яқуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

4.4. Қуйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

- фақат битта таклиф бериш мумкин;
- тақдим этиладиган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

#### **5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ҳолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрелигига жавобгардир. Ҳолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

#### **6. БОШҚА ШАРТЛАР**

6.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камда уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камда ўн кунга ўзайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртномасига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат

буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.